

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ САНЖАР САМАДОВИЧ

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
Фойдаланиб тақомиллаштириш

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Азимов Санжар Самадович

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини
компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш.....3

Азимов Санжар Самадович

Использование компьютерных технологий в совершенствовании
профессиональной компетенции будущих учителей изобразительного
искусства.....21

Azimov Sanjar Samadovich

Using computer technologies to improve the professional competence of future teachers
of fine arts.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ САНЖАР САМАДОВИЧ

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
Фойдаланиб такомиллаштириш

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped785 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.qarshidu.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рўзиев Эркин Искандарович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Нуруллаева Шахло Ўктамовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «7» сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56. e-mail: qarshidu@mail.uz.)

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «6» сентябр куни таркатилди.
(2021 йил «6» сентябр даги 3 рақамли реестр баённомаси)



Р.Д.Шодиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.Б.Камолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ҳ.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё таълим тизимида ахборот коммуникация-технологиялари (АКТ) воситаларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини халқаро таълим стандартларига мувофиқ такомиллаштириш муҳим, кечиктириб бўлмас жараён саналмоқда. Ҳозирги вақтда Англия, Франция, Япония, Германия, Жанубий Корея, Россия, Канада каби ривожланган давлатларда юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда компьютер дастурларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бугунги кунда олий таълим тизимида Corel Draw, Adobe Illustrator, Macromedia Flash, Adobe Photoshop, Corel -Photo-Paint, Microsoft Photo-Draw, Adope Photo Deluxe, Corel Painter каби компьютер графикаси дастурлари ҳамда компьютер дизайни, реклама санъати, рақамли иктисодиётни ривожлантиришда турли дастурлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятга инновацион тайёрлаш, эстетик тарбияни юксалтириш, дарс жараёнини самарали ташкил этиш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини АКТдан фойдаланиб такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда креатив муҳитни яратиш, бадиий санъатга оид ижодий фаолият малакаларига эга бўлишлари учун, ўқитиш мазмунининг узвийлигини такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларида тасвирий санъат йўналиш талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар асосида, олий таълим муассасаларининг педагогика соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, ўқув жараёнида АКТдан фойдаланишни кенг жорий этиш орқали тасвирий санъат йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш”¹ устувор вазифалар сифатида қаралиб, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда, дастурий воситалардан фойдаланиб, коммуникатив компетентлигини ривожлантириш орқали педагогик фаолиятининг самарадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон) <https://lex.uz/docs/-5013007>

6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 апрелдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантиришнинг турли жиҳатлари У.Ш.Бегимқулов, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Н.Н.Каримова, М.Т.Мирсолиева, Ж.А.Ҳомидов, О.А.Қўйсинов, З.К.Исмоилова, Д.А.Мустафоева, О.Қ.Мусаев, Ж.Р.Турматов, Ш.Р.Ураков каби олимларимиз томонидан тадқиқ этилган. Таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари А.А.Абдуқодиров, С.Қ.Қаҳҳоров, Ҳ.О.Жўраев, С.С.Бабажанов, Д.Н.Маматов, И.М. Расулов, О.Х.Тўрақулов, Э.И.Рўзиев, Б.З.Тўраев, У.Ю. Юлдашев, Х.Ш. Қодиров, А.Ғ.Ҳайитовлар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида касбий компетентликни шакллантириш муаммоси В.И.Байденко, И.В.Гришина, Н.А. Долгих, Э.Ф.Зеер, Д.А.Иванов, М.Д.Ильязова, С.И.Мокроусов, И.В.Роберт, В.А.Стародубцев, В.А.Ситаров, Р.Х.Тугешев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган. Олий таълим шароитида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг турли жиҳатлари С.С.Булатов, Ж.О.Ҳакимов, Ғ.Абдурахмонов, Б.Б.Байметов, Н.П.Бесчастнов, С.Н.Дорошенко, Ф.Маннопов, В.А. Могилевцев, А.А.Мецинский, З.Сиёев, Р.Ҳасанов, Ш.И.Раззоқов, И.М.Расулова ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Хорижий давлатларда Л.Ҳарвей, Н.Андерсон, Ф.Барбара, Э.Баскер, А.Соннелл, А.Эдуардс, М.Самачо, Ҳ.Таннер, С.Вискенс каби олимларнинг тадқиқотларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг назарий-амалий масалалари ўрганилган.

Тадқиқот муаммосига оид юқоридаги илмий изланишлар ва манбалар таҳлилидан маълумки, республикада таълим жараёнида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий хулосалар бор. Мавжуд адабиётлар, илмий-тадқиқот ишлари таҳлилни ўрганишдан кўринадики, таълим самардорлигини АКТдан фойдаланиб ошириш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда компьютер технологияларидан фойдаланиш масалалари махсус, монографик тарзда тадқиқ қилинмаган. Олий таълим муассасаларида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш бугунги кунда инновацион талаблар даражасида шакллантирилмаганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш имкониятлари мавжуд бўлса-да, улардан ўқув жараёнида психологик ва педагогик жиҳатдан фойдаланиш масалалари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли диссертация мавзуси долзарблик касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ №АИФ-2/20 “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

дастурий таълим воситаларидан график таълим дастурлари асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш;

компьютер технологияларидан фойдаланиб, тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигининг ривожланганлик даражалари ва кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини компьютер технологияларини қўллаш асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик-психологик, илмий манбалар, ўқув ва дидактик материаллар, ўқув-методик адабиётларни тизимли ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик қайта ишлаш каби усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда график дастурлардан фойдаланишнинг кўп фикрлилик, танлаш, рефлексив каби дидактик имкониятлари креатив ёндашувни интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг когнитив, технологик, креативлик каби касбий компетентлигини шакллантиришда қаламтасвир, рангтасвир ва академик қаламтасвир асослари, дастгоҳли рангтасвир каби фанларни имитацион, дастурий ва техник воситалар асосида ўқитишнинг методик тизими такомиллаштирилган;

компьютер технологияларига асосланган педагогик жараённинг ижодий муҳитни яратиш, бадиий санъат бўйича ижодий фаолият, фаолият малакалари узвийлиги каби таркибий асосларига мувофиқ касбий компетенцияларни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида касбий компетентликнинг шаклланганлик даражалари касбий фаолият турларига тайёргарлик даражалари репродуктив, қисман изланишли, креатив каби баҳолаш мезонлари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни, тузилмаси ва уни олий ўқув юртларида жорий этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган;

компьютер технологияларидан фойдаланиб, тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигининг ривожланганлик даражалари ва кўрсаткичларини аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммога психологик ва педагогик жиҳатдан ёндашилгани, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш методикасини мукамаллаштиришнинг илмий-назарий муаммолари, республикамизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мазмунига мос ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг ғояларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси касбий компетентлигининг педагогик-психологик хусусиятлари аниқлангани, касбий компетентликни компьютер технологиялари график дастурлари ёрдамида ривожлантириш имкониятлари ўрганилганлиги, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб, такомиллаштириш модели ишлаб чиқилгани, касбий компетентликнинг шаклланганлик даражалари, касбий фаолият турларига тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари мукамаллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижаларидан олий таълим муассасалари тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда компьютер технологияларини қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари аниқлаштирилганлиги, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари касбий компетентлигининг педагогик-психологик хусусиятлари (когнитив, технологик, креатив) продуктивлик фаолиятини таъминлаш орқали касбий йўналтириш умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграцияси, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлик компонентлари (педагогик, тасвирий, лойиҳавий, илмий-тадқиқот, рефлексив) компьютер технологиялари график дастурлари (Corel Draw, Macromedia Flash, Adobe Photoshop, Corel-Photo-Paint, Corel Painter) асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлашга доир амалий тавсиялар “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4339-сон маълумотномаси). Натижада тасвирий санъат таълим йўналиши фанларига компьютер технологиялари асосида график дастурларни қўллаш самарадорлигини ошириш имкониятини берган;

компьютер технологияларига асосланган педагогик жараён таркибий асослари (ижодий муҳитни яратиш, бадиий санъат бўйича ижодий фаолият, фаолият малакалари узвийлиги) касбий компетенцияларни такомиллаштириш методикаси педагогик лойиҳалаш модели компонентлари билан интеграциялашга оид тавсиялар “5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4339-сон

маълумотномаси). Натижада касбий компетенцияларни такомиллаштириш методикаси педагогик лойиҳалаш моделини яратиш имконини берган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида касбий компетентликнинг шаклланганлик даражалари касбий фаолият турларига тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонларига оид берилган таклифлардан АИФ-2/20 рақамли “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4339-сон маълумотномаси). Натижада компьютер технологиялари бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 20 та илмий, илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий, 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот муаммосининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга доир дарслик, ўқув қўлланмалар, диссертациялар таҳлил қилинган ва зарурий хулосаларга келинган. Уларда тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг мазмуни, воситалари ва дарсларни ташкил қилишда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига доир назарий маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, “компетентлик” ва “компетенция”, “касбий компетентлик” каби тушунчаларга

берилган таърифлар таҳлил этилган. Педагогикага оид луғатларда, махсус фанларни ўқитиш методикасига доир адабиётларда берилган маълумотлар таҳлил қилиниб, касбий компетентликнинг ўқитувчи фаолиятидаги муҳим жиҳатлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда янги технологиялардан фойдаланишнинг янгича ёндашувлари, замонамизга мос келадиган янги методлар, ёндашувлар ва таълим шаклларида таълим жараёнида фойдаланиш талаб этилади. Бадиий ва дизайн таълимотида янги технологиялардан фойдаланишнинг янгича ёндашувлари, замонамизга мос келадиган янги методлар, ёндашувлар ва таълим шакллари зарур. Ана шундай технологиялардан бири бу, шубҳасиз, компьютер технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, компьютернинг вазифалари, унинг тасвирий санъат таълим йўналишидаги фанларни ўқитишда қўлланилиши, компьютер дастурларидан тасвирий санъат дарсларида фойдаланиш имкониятлари тўғрисида баён қилинади.

Тасвирий санъат дарсларида уч ўлчовли графика яратувчи, яъни объектларни виртуал фазода (борликда) акс эттиришга мўлжалланган амалий дастурлардан фойдаланишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бундай дастурлар сифатида 3ds Max, Maya, Lightwave 3D, SoftImage XSI, Sidefx Houdini, Maxon Cinema 4D, Rhinoceros 3D, modo, Nevercenter Silo ili Zbrush каби амалий дастурлар пакетларини келтириш мумкин.

Компьютер графикаси амалий дастурларининг асосий хусусиятларидан бири шуки, уларда турли-туман ранглар билан бўялган тасвирлар яратиш имконияти мавжуд. Тасвир компьютер хотирасида сақланганда унинг ранглари бирор бир усул ёрдамида кодлаштирилади. Мумкин бўлган ранглар ҳажми рангларни кодлаштириш учун неча бит кетганлиги билан аниқланади. Масалан, оқ-қора тасвирларни кодлаштириш учун 2 бит кифоя, шунинг учун улар 2 битли ранг деб аталади. 8 битли рангларда ранглар ҳажми 256 хил рангдан иборат. 16 битли (ёки 2 байтли) ранглар 65536 тагача турли хил рангларни тасвирлай олади. 24 битли ранглар эса 16,7 млн рангларни аниқлайди.

Талабаларнинг рангтасвир малакаларини ўзлаштириш жараёнидаги мустақил ишлари (ТМИ) уларнинг ўз олдига у ёки бу вазифаларни онгли равишда қўйиш, ўз ўқув-ижодий ишларини режалаштириш, уни амалга ошириш ва объектив баҳолаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган таълим жараёнидир. Бу жараён самарадорлигини ошириш мақсадида унинг элементларини тартиблаштириш ва мувофиқлаштириш ТМИ ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади. Талабаларнинг рангтасвир бўйича аудиториядан ташқари ўқув-ижодий фаолияти самарадорлиги бўлажак ўқитувчи - рассомларнинг бутун таълим жараёни сифатига таъсир ўтказиши, шу сабабли уни ташкил қилиш тасвирий санъат ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларидан саналади.

Архивлар ва турли музейларда турли тарихий воқеаларга доир, машхур тарихий шахслар, турли хил образларга доир кўплаб оқ ва қора фотосуратлар сақланиб қолган. Ушбу фотосуратларни ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, томошабинларга рангли кўринишда тақдим қилиш имконияти мавжуд. Бундай ишларни амалга ошириш учун оқ ва қора фотосуратларни рангли фотосуратларга айлантиришга мўлжалланган турли компьютер дастурлари яратилган. Ушбу дастурлар орасида Recolored дастури фойдаланиш учун қулай ҳисобланади (1-расм).


Ўқув жараёнида замонавий компьютер информацион технологияларини қўллаш таълим сифатини оширишга имкон беради. Бунда мультимедиа воситаларига, рақамли проектор, маркерли доскаларга эътибор қаратилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари касбий фаолиятида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи зарур компетенциялар тизимига эга бўлиши, олиб борилган кузатишлар натижасида компьютер технологияларини тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш борасида камчиликлар мавжудлиги аниқланган.


Тасвирий санъат таълими йўналиши ўқув режасида талабаларни компьютер технологияларининг қўлланилиш соҳалари билан таништирувчи “Информатика ва ахборотлар технологияси”, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси”, “Компьютер графикаси” ва шу каби фанлардан назарий ва амалий машғулотларда Adobe Photoshop, CorelDraw график муҳаррирларидан фойдаланиш имкониятлар аниқланган.

Қаламтасвир ва рангтасвир ўқув хонаси ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, ўқув жараёнини ташкил қилиш вазифасини бажаради ҳамда нафақат ўқувчиларни, балки кўргазмали материалларнинг жойлашув ўрнини, шунингдек, бажарилган ишларни якуний кўриб чиқишда самарали ёритиш ва етарлича жойлашишини ҳам ўз ичига олишини касбий компетенциялари етарлича талаб даражасидаги ўқитувчилар амалга оширади.


“Қаламтасвир ва рангтасвир” хонасининг замонавий стандартларга мувофиқ жиҳозланишини 3ds Max дастуридан фойдаланиб, амалга ошириш, хона интерьер кўринишини чизиш ва компьютер технологиялардан амалиётда фойдаланишни келтириб ўтамиз (2-расм). Ишларни бажариш кетма-кетлигининг қадам-бақадам амалга оширилиши талабаларга тушунтирилади.



3-расм. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологиялар асосида такомиллаштириш модели.



1-расм. Recolored дастури ёрдамида натюрмортни рангли кўринишда тасвирлаш.



2-расм. 3ds Max дастури ёрдамида лойиҳаланган “Қаламтасвир ва рангтасвир” хонасининг умумий кўриниши.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг педагогик компетенцияси таркибига: 1) мотивацион (ижтимоий аҳамиятли далиллар, касбий фаолиятдаги эҳтиёж); 2) когнитив (педагогика, турли ёшдаги ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш усули, ўқувчиларда бадиий ва тасвирий санъат таълимини ўқитиш методикаси ҳамда назарияси бўйича билимлар мажмуи); 3) амалий (замонавий таълим технологияларини қўллаш кўникмаси, мақсадни аниқлаш малакаси, мазмунини чиқариб олиш, таълим жараёни, шунингдек, ўқувчиларнинг бадиий фаолияти натижаларини баҳолаш мувофиқлиги) каби компетенциялар киради.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига қўйилган ДТС ва малака талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштиришда компьютер технологиялардан фойдаланиш модели ишлаб чиқилган (3-расм).

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига касбий фаолиятида компьютер технологияларини қўллашни ўргатишни ташкил қилишда қўлланиладиган дидактик тамойиллар, ўқитиш методлари, ўқитиш шакллари, ўқитиш воситалари тўғрисида маълумотлар берилади.

Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш тизимида Corel Draw, Adobe Photoshop, 3ds Max, Visual Basic ва Macromedia Flash каби дастурлар асосида ишлаб чиқилган таълим воситаларининг янги авлодини яратиш ва улардан фойдаланиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мутахассислик фанларини виртуал реаллик қонуниятлари асосида ўқитишда умумкасбий ва методик интегратив билимлар (визуаллаштирилган маълумотлар банки, лаборатория ишланмалари ва умумкасбий характердаги интеллектуал топшириқлар тизими), интерфаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизим сифатида мультимедиали ўқитиш тузилмаси катта аҳамият касб этади.

Бўлажак бадиий таълим ўқитувчиларининг касбий компетентлиги шаклланганлигининг ўрта (етарли) даражаси касбий фаолиятни сифатли амалга ошириш учун етарли ҳисобланади. Бу ҳол педагогик ва бадиий фаолият соҳасида ўзларининг сабаб, эҳтиёж, қизиқишларини кўпчилик ҳолларда

намоён қиладиган, касбий билимлари етарлича тўлиқ бўлмаган ва нисбатан хилма-хилликка эга бўлган, малака ва кўникмалари шаклланган бўлиб, амалиётда тез-тез қўллайдиган талабаларда намоён бўлади.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синов ишлари ва олинган натижалар таҳлили**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2016-2019 ўқув йиллар давомида Бухоро давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қарши давлат университетларида ўтказилган. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш шароитларини ўрганиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб, тадқиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш йўллари белгилаб олинган.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш қуйидагилар ёрдамида таъминланади:

1. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўз касбий фаолияти сифатини ошириш ва илмий-методик ҳамда ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эгалликлари.

2. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг мутахассислик фанлари ҳамда педагогик билимлар асосларини пухта ўзлаштирганликлари.

3. Эгаллаган педагогик билимларни амалиётда қўллай олиш малакасига эгалликлари.

4. Ўқувчиларда тасвирий санъат ҳамда тушунчаларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқиш, эҳтиёж ва рағбатни қарор топтира олишлари.

5. Ўқувчиларнинг ташаббускорлик ва ташкилотчилик лаёқатларига эгалликлари.

6. Касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш, улардан таълим жараёнида самарали фойдалана олишнинг моҳиятини тушуна олишлари ўқув муассасаларида таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

7. График муҳаррирлари ва бошқа компьютер дастурлари ёрдамида ишлаш кўникмаларига эга бўлиши, турли ижодий ишлар яратиш.

Талабаларда касбий компетентликнинг шаклланганлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

– умумкасбий ва ихтисослик фанларидан эгаллаган назарий ва амалий компетенциялари;

– машғулотлар жараёнида тасвирлашнинг мақбул усулини мустақил танлай олиши, сифатли асар ярата олиши, тасвирий санъатнинг замонавий усуллари қўллай билиши;

– тасвирланаётган асар турига ва вазифасига қараб, унда композиция элементларини тўғри қўллай олиши;

– дизайннинг мазмуни, мақсадларига қараб бадиий тасвирлашни билиши;

– тасвирлаш учун тўғри объект танлаш, режалаштириш, ўлчам олиш, тасвирлай олишда, тасвирлаш жараёнида ўз ўртоқларига тўғри маслаҳатлар бера олиши;

– тасвирлаш жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни ҳал этиш юзасидан муҳокамаларда иштирок этишга интилиши;

– тасвирлаш жараёнларининг асосий қоидаларини, асосий босқичлари ҳамда йўллари таҳлил қилиши ва амалда қўллай олиши;

– машғулот жараёнида берилган ҳар қандай вазифага ижодий ёндашиб ҳал этиши ва ўз фантазиясига эга бўлиши, сўнгги янгиликлар ва замонавий техника, технологияларни амалда қўллай олиши;

– янги маълумотларни эгаллашга интилиши, уларни амалиётга татбиқ этиши;

– ўқитувчи ва тенгдошлари томонидан берилган саволларга мазмунли жавоб бериши ҳамда касбий этика қоидаларига амал қилиши;

– машғулот жараёнида ўз иши ва ўртоқлари бажарган ишларига баҳо бера олиши каби кўрсаткичлар эътиборга олинади.

Педагогик тажриба-синов ишларининг сўнгги ўқув йили охирида “тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси” фани бўйича ўтказилган якуний назорат ва тест синовларининг натижалари 1-жадвалда баён қилинган.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг билим даражалари ДТС ва малака талабларига жавоб беришига эътибор қаратилди. Тажриба - синов ишлари асосида “тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси” фани бўйича компьютер технологиялари асосида график муҳаррирларидан дарслар самарадорлиги ошганлигини аниқлаш мақсадида талабалардан жорий, оралиқ ва якуний назоратлар (тестлар, ёзма ишлар ва умумлаштирувчи машғулотлар) ўтказилиб, натижалари сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилинди. Олинган натижалар математика-статистика методлари ёрдамида қайта ишланди.

1-жадвал

Тажриба-синов ўтказилган барча олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалар

| ОТМ номлари | Кўрсаткичи | Тажриба-синов гуруҳлари | | | | Назорат гуруҳлари | | | |
|--------------------------------------|------------|----------------------------|-----|-----------------------------|------|----------------------------|-----|-----------------------------|-----|
| | | Тажриба бошида талаба сони | % | Тажриба охирида талаба сони | % | Тажриба бошида талаба сони | % | Тажриба охирида талаба сони | % |
| Барча ОТМлар бўйича умумий натижалар | Аъло | 12 | 4,6 | 22 | 28,2 | 11 | 3,8 | 17 | 2,4 |
| | Яхши | 23 | 8,0 | 39 | 50,0 | 26 | 2,5 | 29 | 8,2 |
| | Қониқарли | 31 | 7,8 | 17 | 1,8 | 29 | 6,3 | 20 | 6,3 |
| | Қониқарсиз | 16 | 9,5 | 0 | 0,0 | 14 | 7,5 | 10 | 3,2 |

Ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишни баҳолашнинг бир қатор методлари мавжуд бўлиб, улардан Стюдентнинг танланма мезони ҳамда χ^2 , Пирсон мувофиқлик критерийсига тажриба-синов натижаларига татбиқ қилинган.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_i}{N}$ деб олинган. Бу ерда χ_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар 3, 4, 5; қийматлар “Паст”, “Ўрта” ва “Юқори” даражали баҳоларни қабул қилади. m_j - баҳоларнинг такрорланишлар сони, N - тажрибада иштирок этаётганлар сони.

Бунда H_0 гипотеза сифатида тажриба ва назорат гуруҳларида баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимоллар тенг деб, альтернатив H_1 гипотеза сифатида кутилаётган эҳтимоллар фарқи олинди. Ушбу статистик гипотезани текшириш учун χ^2 мезонидан фойдаланилди.

$$\text{Яъни } T_{\text{кузатув}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}} \text{ формуласидан фойдаланамиз.}$$

Бу ерда: T - статистик қиймат, n_1 ва n_2 - тажриба синов ишларида иштирок этган гуруҳлардаги талабалар сони бўлиб, n_1 - тажриба гуруҳи талабалари сони, n_2 - назорат гуруҳи талабалар сони, O_{1i} ва O_{2i} лар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳи талабаларида баҳолаш турларига нисбатан олинган баҳолар сони.

Педагогик гипотеза сифатида $T_{\text{кузатув}}$ қиймати $T_{\text{кр}}$ билан таққосланади. Агар $T_{\text{кузатув}} > T_{\text{кр}}$ бўлса, H_0 (олиб борилган тадқиқот ишлари самарасиз) гипотеза рад этилиб, H_1 (олиб борилган тадқиқот ишлари самарали) гипотеза қабул қилинади.

Бу ерда: $T_{\text{кр}}$ – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли p асосида аниқланади. Озодлик даражаси эса $K=C-1$ формуласи орқали топилади. C- баҳолаш турлари. χ^2 мезонини тажриба синов ишлари танлаган тажриба ва назорат гуруҳи талабаларида кузатилаётган мезонлар бўйича 7 та баҳолаш турлари асосида олиб борилгани учун C нинг қиймати мос равишда 4 га тенг. Унда $p=0,05$ деб олсак, K нинг қийматлари 3 га тенг. χ^2 жадвали асосида олинган $T_{\text{кр}}$ қиймат эса 7,81 га тенг бўлади.


Бизнинг тажрибаларимиз C нинг қийматлари 4 га тенг бўлгани учун қўйида келтирилган формулалардан фойдаланилди.

$$T = \frac{1}{n_1 n_2} \left(\frac{(n_1 O_{21} - n_2 O_{11})^2}{O_{11} + O_{21}} + \frac{(n_1 O_{22} - n_2 O_{12})^2}{O_{12} + O_{22}} + \frac{(n_1 O_{23} - n_2 O_{13})^2}{O_{13} + O_{23}} + \frac{(n_1 O_{24} - n_2 O_{14})^2}{O_{14} + O_{24}} \right)$$

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши битирувчиларининг касбий сифатларини баҳолаш даражалари бўйича статистик таҳлиллар олиб борилган.

Тажриба-синов натижалари асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграмма кўринишида берилган (4-расм).

Тажриба-синов натижалари асосида бўлажак тасвирий санъат таълими ўқитувчилари касбий компетентлигининг самарадорлиги 13,6 фоизга ошганини кўриш мумкин.



4-расм. Таълим муассасалари талабалари касбий компетентлигининг самарадорлик кўрсаткичлари.

ХУЛОСА

Дастурлаштирилган таълим воситалари асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси куйидагича хулосаларни қилиш имконини берди:

1. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга доир дарслик, ўқув қўлланмалар, диссертациялар таҳлил қилинди ва зарурий хулосаларга келинди. Уларда тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг мазмуни, воситалари ва дарсларни ташкил қилишда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига доир назарий материаллар баён қилингани аниқланди.

2. Тадқиқот мавзуси мақсад ва вазифаларига мувофиқ “компетентлик” ва “компетенция”, “касбий компетентлик” каби тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил қилинди. Педагогикага оид луғатларда, махсус фанларни ўқитиш методикасига доир адабиётларда берилган маълумотлар ўрганилди. Касбий компетентликнинг ўқитувчи фаолиятидаги муҳим жиҳатлари ёритиб берилди.

3. Бадиий ва дизайн таълимотида янги технологиялардан фойдаланишнинг янгича ёндашувлари, замонавий янги методлар, ёндашувлар ва таълим шаклларидан ўқиш жараёнида фойдаланиш талаб этилади. Шу ўринда компьютер технологиялари муҳим ўрин тутди. Диссертацияда компьютернинг вазифалари, ундан тасвирий санъат таълим йўналишидаги фанларни ўқитишда, шунингдек, компьютер дастурларидан тасвирий санъат дарсларида фойдаланиш имкониятлари кенглиги кўрсатилди.

4. Олиб борилган кузатишлар натижасида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига компьютер технологияларини татбиқ этиш борасида камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Аксарият мутахассислар компьютер технологияларидан фойдаланиб дарс самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўла хабардор эмаслиги сабаб бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари касбий фаолиятида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи зарур компетенциялар тизими ишлаб чиқилиши давр талаби эканини таъкидлаш зарур.

5. Талабаларнинг рангтасвир бўйича аудиториядан ташқари ўқув-ижодий фаолияти самарадорлиги бўлажак ўқитувчи-рассомларнинг бутун таълим жараёни сифатига таъсир ўтказди, шу сабабли мустақил таълим машғулотида компьютер технологияларидан фойдаланиб, касбий компетентликни шакллантириш долзарб аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилди.

6. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълими йўналиши ўқув режасида талабаларни компьютер технологияларининг қўлланилиш соҳалари билан таништирувчи “Информатика ва ахборотлар технологияси”, “Тасвирий санъат ўқитиш методикаси”, “Компьютер графикаси” каби фанлардан назарий ва амалий машғулотларда Adobe Photoshop, CorelDraw график муҳаррирлардан фойдаланиш имкониятлари турли ишланма мисоллар ёрдамида кўрсатилди ҳамда фанларни ўқитиш методикаси шу жиҳатдан такомиллаштирилди.

7. “Қаламтасвир ва рангтасвир” ўқув хонасининг ўзига хос жиҳатлари, ўқув хонасига қўйиладиган стандарт талабларни инобатга олган ҳолда, янги, замонавий ва самарали қурилмалар билан жиҳозлашни амалга ошириш 3ds Max дастури имкониятларидан фойдаланиб, хона интерьер кўринишини чизиш кетма-кетлиги батафсил ёритиб берилди ва ўқитиш методикаси такомиллаштирилди.

8. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологиялари асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди. Моделда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари касбий тайёргарлиги тузилмаси компонентлари, компьютер технологияларини қўллаш ва ўргатишни ташкил қилишда қўлланиладиган дидактик тамойиллар, ўқитиш методлари, шакллари ва воситалари, компьютер технологияларини қўллашга тайёргарлик даражаси мезонлари ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар батафсил аниқланиб, ёритилди.

9. Бўлажак тасвирий санъат таълими ўқитувчилари касбий компетентлигининг компьютер технологияларидан фойдаланиб,

ривожланганлик даражаларини аниқлаш мақсадида педагогик тажриба-синов ишлари олиб борилди, тажриба-синов ишларини ўтказиш объектлари танланди, тажриба-синов ишлари давомидаги вазифалар белгилаб олинди. Бўлажак тасвирий санъат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини компьютер технологияларидан фойдаланиб, босқичма-босқич шакллантириш мақсадида уни амалга оширишнинг методик тизими ишлаб чиқилди.

10.Тажриба-синов ишларини олиб бориш давомида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг статистик тавсифи тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълими йўналиши “Тасвирий санъат ўқитиш методикаси” фани бўйича биз ишлаб чиққан методиканинг самарали эканлигини исботлади. Тажриба гуруҳи талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари ўртача 13.6 % га юқори эканлиги аниқланди.

ТАВСИЯЛАР

1. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчилари малака талабларида кўрсатилган умумтехник кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик имкониятлари (қулайлик, визуаллик, амалий йўналганлик)дан самарали фойдаланиш мақсадида 3D max , AutoCAD, Visual Basic ва Macromedia Flash дастурлари асосида виртуал машғулотлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг махсус компетенциялари (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни шакллантиришга қаратилган “logically confusing chain” ва “ideological heuristic scale” каби интерфаол ўқитиш методларини ўқув дастурлари ва ўқитиш методикаларига интегратив сингдириш лозим.

3. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенциялари тизимини (методик-ташкилий, технологик жараёнли, креативлик) мультимедиали ўқитиш платформаси имкониятларидан фойдаланиб электрон дастурлаштирилган ўқув-методик воситаларининг қўлланиш қамровини кенгайтириш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЗИМОВ САНЖАР САМАДОВИЧ

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В
СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (изобразительное искусство)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.1.PhD/Ped785.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Каршинского государственного университета www.qarshidu.uz и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Каххоров Сиддик Каххорович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рузиев Эркин Искандарович**
доктор педагогических наук, профессор

Нуруллаева Шахло Уктамовна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Жиззакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «17 июля 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 Каршинского государственного университета по присуждению ученых степеней (Адрес: 180100, город Карши, улица Кучабаг, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (Зарегистрирована за номером 49). Адрес: 180100, г. Карши, Кучабаг, 17. Тел.: Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «6 июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от «6 июля 2021 года).



[Signature]
Р.Д.Шодиев
Председатель Научного совета по
присуждению научных степеней,
д.п.н. профессор

[Signature]
И.Б.Камолов
Секретарь Научного совета по
присуждению научных
степеней, д.ф.п.н (PhD), доцент

[Signature]
Х.О.Жураев
Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению научных степеней,
д.п.н.(DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой системе образования широкое использование средств информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), совершенствование образовательного процесса в соответствии с международными образовательными стандартами считается важным и не терпящим отлагательства процессом. В настоящее время в таких развитых странах как Англия, Франция, Япония, Германия, Южная Корея, Россия, Канада особое внимание уделяется использованию компьютерных программ при подготовке конкурентоспособных кадров, обладающих высокой профессиональной компетентностью. На сегодняшний день в системе высшего образования большое значение имеют такие программы компьютерной графики как Corel Draw, Adobe Illustrator, Macromedia Flash, Adobe Photoshop, Corel-Photo-Paint, Microsoft Photo-Draw, Adobe Photo Deluxe, Corel Painter, а также использование различных программ развития компьютерного дизайна, рекламного искусства, цифровой экономики.

Кроме этого, проводятся научные исследования по инновационной подготовке будущих учителей к профессионально-педагогической деятельности, совершенствованию эстетического воспитания, эффективной организации процесса урока, повышению профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства с использованием ИКТ. В целях создания творческой среды в развитии профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства, приобретения ими навыков творческой деятельности, связанной с художественным искусством требуется повышение преемственности содержания преподавания. В этом контексте особое внимание уделяется развитию профессиональной компетентности студентов направления изобразительного искусства в высших учебных заведениях.

В последние годы в нашей стране особое внимание уделяется вопросу подготовки высококвалифицированных кадров по направлению изобразительное искусство на основе цифровых технологий, совершенствованию системы подготовки кадров в педагогической сфере высших учебных заведений, в частности, широкому внедрению ИКТ в образовательный процесс. «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования в целях развития образования и науки»¹ считается одним из ведущих задач сегодняшнего дня и в связи с этим актуальное значение приобретает повышение эффективности педагогической деятельности при подготовке будущих учителей изобразительного искусства к профессиональной деятельности за счет развития коммуникативной компетенции с использованием программного обеспечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах

1. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» // Национальная база данных законодательства, 24.09.2020 г., № 03/20/637/1313.- <https://lex.uz/docs/-5013007>

Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» от 19 февраля 2018 года, №УП – 6108 «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года, №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, №ПП-5040 « О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» от 26 апреля 2021 года и в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Различные аспекты формирования профессиональной компетентности будущих педагогов в системе высшего образования республики исследованы такими нашими учеными, как Ш.Бегимкулов, К.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Н.Н.Каримова, М.Т.Мирсолиева, Д.А.Хомидов, О.А.Куйсинов, З.К.Исмоилова, Д.А.Мустафоева, О.К.Мусаев, Ж.Р.Турматов, Ш.Р. Ураков. Вопросы использования компьютерных технологий в образовательном процессе и повышения его эффективности изучали А.А.Абдукодиров, С.К.Каххоров, Х.О.Джураев, С.С.Бабажанов, Д.Н.Маматов, И.М. Расулов, О.Х.Туракулов, Э.И.Рузаев, Б.З.Тураев, У.Ю Юлдашев, Х.Ш. Кодиров, А.Г.Хайтов.

Проблема формирования профессиональной компетентности в странах СНГ освещены в исследованиях В.И.Байденко, И.В.Гришина, Н.А. Долгих, Э.Ф.Зеер, Д.А.Иванова, М.Д.Ильязовой, С.И.Мокроусова, И.В.Роберта, В.А.Стародубцева, В.А.Ситарова, Р.Х.Тугешева и др. Различные аспекты формирования профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства в условиях высшего образования отражены в научно-исследовательских работах С.С.Булатова, Ж.О.Хакимова, Г.Абдурахманова, Б.Б.Байметова, Н.П.Бесчастнова, С.Н.Дорошенко, Ф.Маннопова, В.Могилевцева, А.А.Мецинский, З.Сиёева, Р.Хасанова, Ш.И.Раззокова, И.М.Расуловой и др. В зарубежных странах теоретико-практические вопросы эффективного использования информационных

технологий изучены в исследованиях таких ученых как Л.Харвей, Н.Андерсон, Ф.Барбара, Э.Баккер, А.Коннелл, А.Эдуардс, М.Камачо, Х.Таннер, К.В Виккенс.

